SAMIMIY-AUDIT
Аудиторская организация
Адрес:г.Ташкент, 100185 г. Ташкент, прос-т Бунёдкор 29, ИНН206 944 438
Телефон: (97) 376-44-41, samimiy-audit@mail.ru

Мустакил аудиторнинг аудиторлик хулосаси

«UYCHI PAXTA TOZALASH» АЖ таъсисчилари ва рахбариятига

Фикр билдириш учун асос

Биз «UYCHI PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабр холатига бўлган молиявий холат тўғрисидаги хисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида хисоботдан, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида хисоботдан, пул оқимлари тўғрисида хисоботдан, шунингдек хисоб сиёсати ахамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изохловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий хисоботларини аудитини ўтказдик.

Корхона рахбариятининг молиявий хисоботлар учун жавобгарлиги

Корхона рахбарияти мазкур молиявий хисоботларни Молиявий хисоботнинг миллий стандартларига мувофик тайёрлаш ва хаққоний тақдим этиш, шунингдек корхона рахбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган мухим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий хисоботларни тайёрлаш учун зарур деб хисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий хисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халкаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий хисоботларда мухим бузиб

кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий хисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулохазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий хисоботларда юзага келиши мумкин бўлган мухим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғликдир.

Бундай рискларни баҳолашда, корхона ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий хисоботларини тайёрлаши ва хаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади.

Аудит ўтказиш қўлланилаётган хисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти рахбарияти томонидан хисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий хисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни хам ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб хисоблаймиз.

Фикр

Бизнинг фикримизча, «UYCHI PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабрга бўлган ташкилотнинг илова қилинган молиявий ҳисоботи барча муҳим жихатлари бўйича «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига мувофиқ тузилган.

«SAMIMIY-AUDIT» МЧЖ рахбари Э.Э. Эгамбердиев

Аудитор: Н.М.Шарипов

«23» май 2022йил.

Тошкент шахар, Бунёдкор шох кучаси 29

Адрес:г.Ташкент, 100185 г. Ташкент, прос-т Бунёдкор 29, ИНН 206 944 438
Телефон: (97) 376-44-41, samimiy-audit@mail.ru

«SAMIMIY-AUDIT»
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

«UYCHI PAXTA TOZALASH»
акциядорлик жамияти

2021 ЙИЛ ДАВОМИДАГИ МОЛИЯВИЙ ХИСОБОТЛАРИ ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ БОШҚА МАЪЛУМОТЛАРИ ЮЗАСИДАН ЎТКАЗИЛГАН МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА

АУДИТОРЛИК ХИСОБОТИ

Уйчи тумани 2022 йил

I. КИРИШ КИСМИ

Аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

Аудиторлик ташкилотининг тўлиқ номи	«SAMIMIY-AUDIT» аудиторлик ташкилоти
Юридик манзили ва телефон рақамлари	Тошкент шаҳри, Бунёдкор проспекти 29 уй Тел: +998(97) 376 44 41,
Давлат томонидан рўйхатдан ўтган гувоҳнома	Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 08.08.2013 йилда 1063 тартиб ракам билан руйхатдан утгани тугрисида гувохнома берилган.
Аудиторлик фаолияти лицензияси	Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 5 апрелда куни барча хужалик юритувчи субъектларда «Аудиторлик фаолияти билан шугулланишга рухсат берувчи» 00766-сонли лицензия берилган.
Банк реквизити	Х/р 20 208 000 704 670 677 001 «Davr-bank» ХЁАТБ Чилонзор филиали, МФО 01046
СТИР	206 944 438
ИФУТ	69202
Аудиторлик ташкилоти раҳбари	Эгамбердиев З.З, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 4-октябрдда берилган №0№ 05633 аудитор малака сертификатига эга.
Аудиторлик ташкилоти аудитори	Шарипов Нуриддин Махаммаджонович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2018 йил 5 октябрда берилган №05564-сонли «Аудитор малака сертификати» га эга.
Текшириш учун асос:	Шартнома 05.01.2022 йилги № 50/01-22
Хисобот тузилган сана	26 май 2022 йил

Аудиторлик текшируви утказилаётган корхонанинг реквизитлари:

Корхона ва ташкилотининг тўлиқ номи	«UYCHI PAXTA TOZALASH» aksyadorlik jamiyati (кейинги матнларда «жамият» деб юритилади)
Юридик манзили ва телефон рақамлари	Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Уйчи тумани, Ровот шаҳарчаси, Боғ кўча, 1-уй, почта индекси 160809. Телефон 48-34-311.
Давлат томонидан рўйхатдан ўтган гувоҳнома	Наманган вилоят мулк-бошқармасининг 1996 йил 24 апрелдаги 333-083-О сонли буйруғига асосан жамиятнинг номи «Уйчи пахта тозалаш» акциядорлик жамиятига айлантирилган ва 1996 йил 30 май куни 007216 - сонли давлат ордери берилган. Уйчи туман Ҳокимининг 1996 йил 8 июндаги 06-212-сонли қарорига асосан жамият қайта рўйхатдан ўтказилган.
Банк реквизити	Ҳ/ рақами 20210000100367921001, «Агробанк» Уйчи бўлими, МФО(банк коди) 00244.
СТИР	201296536
ИФУТ	68202

Аудиторлик ташкилоти Директори _____

Аудитор _____

Аудиторлик текшируви 2022 йил 15 май куни бошланиб 2022 йил 26 май куни тугатилди.

Аудиторлик текшируви «UYCHI PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамияти бош директори Мирзаакбаров Шерзод Собитович хабардорлигида ва бош хисобчи Муйдинов Ихтиёр Гуломжонович бевосита иштирокида утказилди.

Аудиторлик текшируви Узбекистон Республикасининг янги тахрирдаги «Аудиторлик фаолияти тугрисида» ги конуни ва аудиторлик фаолияти Халкаро андозалари асосида текширувга такдим этилган молиявий хисоботлар, бухгалтерия дафтарлари ва бошлангич хужжатларга таянган холда утказилди.

Молиявий ҳисоб кўрсаткичлари тўғри тузилганлиги маъсулияти «UYCHI PAXTA TOZALASH» АЖ раҳбарияти зиммасига юклатилган.

Бизнинг вазифамиз ўтказилган аудит текшируви асосида ушбу молиявий ҳужжатлар юзасидан тўғри хулоса чиқариб беришдан иборат. Аудиторлик текшируви «Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари» асосида тузилган режа буйича ўтказилди.

Вазифа ва усуллар

Мазкур аудитни ўтказишдан мақсад – «UYCHI PAXTA TOZALASH» АЖ да 2021 йил 01 январдан 2021 йил 31 декабрга булган давр учун тузилган молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги, тўлиқлиги, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг амалдаги меъёрларига амал қилинганлиги юзасидан фикр билдиришдир.

Аудит текшируви аудит текшируви утказиш дастурига асосан ҳужжатли текшириш усули қўлланилиб, ҳисоботлар қуйидаги ҳажмларда кўриб чиқилди:

- молиявий ҳисоботлар – шаклий ва арифметик жиҳатдан, горизонтал ва вертикал тарзда;
- ҳисоб юритишнинг қабул қилинган мемориал-ордер тизими бўйича бирламчи ҳужжатларни аудит текшируви учун зарур бўлган ҳажмда танланма тартибда;
- бошқа ишлаб чиқариш омилларининг ички ҳисоб тизимига таъсирини баҳолаш – танланма тартибда.

Аудиторлик текширувини ўтказиш давомида қуйидаги ахборот манбаларидан фойдаланилди:

- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, юридик шахсларни солиққа тортиш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатлар;
- Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг Аудиторлик фаолияти халкаро стандартлари;
- Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари;
- Жамиятда ўтказилган ҳужжатли текширувлар далолатномалари;
- Жамият ходимлари томонидан тақдим этилган маълумотномалар;
- Бошқа ахборотлар.

Тахлилийкисм

Жамиятнинг ҳуқуқий асослари, тузилиши ва иш фаолияти.

Наманган вилоят мулк-бошқармасининг 1996 йил 24 апрелдаги 333-083-О сонли буйруғига асосан жамиятнинг номи «Уйчи пахта тозалаш» очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилган ва 1996 йил 30 май куни 007216-сонли давлат ордери берилган. Уйчи туман Ҳокимининг 1996 йил 8 июндаги 06-212-сонли қарорига асосан жамият қайта рўйхатдан ўтказилган.

Жамият мустақил ҳуқуқий шахс сифатида думалоқ муҳр, туртбурчак тамға, мустақил баланс, ҳуқуқий манзилгоҳ, банкда ҳисоб рақамига эга. Уйчи туман Давлат солиқ инспекциясида солиқ тўловчи юридик шахс сифатида руйхатдан ўтказилган. Идентификация раками 201296536.

Жамият Истикболни белгилаш ва Статистика Давлат Комитети бош ҳисоблаш маркази томондан рўйхатдан утказилган. ИФУТ 68202 коди берилган.

Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувохномага кура жамият охирги марта 2019 йил 5 августда Давлат хизматлари марказида руйхатдан утган.

Ҳуқуқий манзилгоҳи: Индекс 160809, Наманган вилояти, Уйчи тумани, Равот шаҳарчаси. Боғ кўча, 1-уй.

ИАТ «Агробанк» нинг Уйчи бўлимида хисоб ва махсус ракамлари очилган.

Хисоб раками: 20210000100367921001

Банк коди:00244

Чет мамлакатлар ва ҳамдўстлик давлатларида валюта рақамларига эга эмас. шунингдек Республика ҳудудида Ташқи иқтисодий миллий банки ва бошқа банкларда валюта ва махсус рақамлари очилмаган.

2009 йил 1 январ ҳолатига жамиятнинг устав фонди 115.858.3 минг сўмни ташкил қилган.

Жамият Кузатув кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 декабрдаги 316-қарорини жамиятда бажарилиши ҳолати юзасидан 2009 йил 21 декабр куни йиғилиш ўтказилган. Йиғилиш томонидан жамият устав фондини 616.015,4 минг сўмга етказиш ва устав фондини 310.630,0 минг сўмини 2008 йилги соф фойда ҳисобига ҳамда 189.527,1 минг сўмини захира фонди ҳисобига тўлдириш тўғрисида қарор қабул қилинган. Жамиятнинг уставига киритилган ўзгартиришлар Уйчи туман Ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 2009 йил 1794 сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган. «Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси» нинг 2010 йил 18 январдаги 03 УФ сонли буйруғи билан жамиятнинг устав фонди 616.015.4 минг сум қилиб тасдиқланган. Ҳар бир дона акциянинг номинал қиймати 2.600 сўм бўлиб, 236.929 дона эгаси ёзилган, оддий, нақдсиз. Эмиссия рисоласи Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази Наманган вилоят бошқармасида 2010 йил 9 март куни Р 0271-6 тартиб рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Идентификация рақами RU 106 F 0271 T 6. Жамият акциядорларининг улушлари қуйидагича тақсимланган:

- Давлат улуши - 51 %, 314.171,0 минг сўм, акциялар сони 120.835 дона
- Бошқа акциядорлар - 49 %, 301.844,4 минг сўм, акциялар сони 116.094 дона

Жами 100%, 616.015,4 минг сўм, акциялар сони 236.929 дона.

Ҳозирги кунда акциялар тўла жойлаштирилган.

Жамият Уставига асосан қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланиши белгиланган:

- Пахтани қабул қилиш, қайта ишлаш, пахта маҳсулотларини сотиш;
- Уруғлик чигит тайёрлаш ва сотиш;
- Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва сотиш:
- Бичув-тикув, кулолчилик цехларини очиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш;

Чорвачилик фаолияти билан шуғулланиш, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш;

- Чакана ва улгуржи савдо билан шуғулланиш;
- Ахолига пуллик транспорт хизматларини курсатиш;

- Аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш:
- Аҳолига умумий овқатланиш хизматларини ташкил қилиш.

2021 йилда жамият асосий воситаларни ижарага бериш ва омбордаги тайёр махсулотларни сотиш билан шугулланган.

Жамиятга Уйчи тумани ҳокимлиги томонидан улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун 2007 йил 17 март куни УС № 0025-сонли лицензия берилган. Лицензияни амал қилиш муддати чекланмаган.

Хисоб сиёсати ва ички назорат тизими аудити.

Жамиятда бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги 404- сонли «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни талаблари асосида ташкил қилинган ва юритилмокда. Бухгалтерия ҳисоби Мемориал- ордер шаклида ташкил қилинган ва компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда юритилган.

№1-сонли «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига мувофиқ хисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш ҳамда тузиш учун фойдаланиладиган махсус тамойиллар, қоидалар ва амалий ёндашувлар тўпламини кўрсатиб беради. 2021 йил учун жамиятда ҳисоб сиёсати ишлаб чикилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 12 апрелда 1673-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 29 декабрдаги 108-сон бўйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти 12-сон АФМС “Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш”да **ички назорат тизими** - хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва самарали юритиш, активлар ва ҳисоб ҳужжатларининг сақланишини таъминлаш, хато ва фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш ва аниқлаш, бухгалтерия ёзувларининг аниқ ва тўлиқлиги ва ўз вақтида ишончли молиявий маълумотларни тайёрлаш мақсадида қабул қилинган ташкилий тадбирлар, усуллар ва амаллар (ички назорат воситалари) йиғиндисидан иборат эканлиги белгилаб қўйилган.

Аудиторлик текшируви жараёнида биз томонимиздан хўжалик операциялари барча ва алоҳида ҳолларда раҳбариятнинг розилиги билан амалга оширилаётганлигига, бухгалтерия ҳисобида барча операциялар жамиятда тўғри суммаларда, бухгалтерия ҳисобининг тегишли счётларида, тўғри вақт даврида акс эттирилётганлигига ва ишончли молиявий ҳисобот тайёрлаш имкониятини таъминлаётганлигига, активларга кириш фақат тегишли раҳбариятнинг рухсати билан йўл қўйилаётганлигига, бухгалтерия ҳисобида қайд қилинган ва ҳақиқатда мавжуд бўлган активлар мувофиқлиги белгиланган даврларда ваколатли шахслар томонидан аниқланаётганлигига ва фарқлар аниқланган ҳолларда эса раҳбарият томонидан тегишли чоралар кўрилаётганлигига ишонч ҳосил қилинди.

Биз томонимиздан жамиятда ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самарадорлиги ўртача баҳога лойиқ топилди.

Асосий воситалар ва бошка узоқ муддатли активлар аудити.

Асосий воситалар ҳисоби аудити.

Мулкчилик хукуки корхонага тегишли бўлган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва харакати тўгрисидаги ахборотлар 21 БХМСга асосан асосий воситалар турлари буйича №0110-№0190 счётларда амалга оширилади.

Асосий воситалар жамгарилган эскиришини хисобга олиш учун мос равишда №0212-0299 счетлари белгиланган.

Бухгалтерия хисоби маълумотларига кура 2021 йил 1 январ холатига жамиятдаги асосий воситаларни бошлангич(тиклаш) киймати 12.150.205,0 минг сумни ва уларни

жамгарилган эскириш киймати 6.460.397,0 минг сумни ташкил этган.2021 йил давомида кирим ва чиким хужжатларига асосан тегишли бухгалтерия утказмалари тузилган ва асосий воситаларга тугри чизик усулида эскириш хисобланган. 2021 йил охирига жамиятдаги асосий воситаларни бошлангич киймати 1.037.878,0 минг сумни ва уларни жамгарилган эскириш киймати 209.720,0 минг сумни ташкил этган.

Жамиятда мавжуд асосий воситалар бахоловчи ташкилот томонидан бахоланиб 5 йил давомида тулаб беиш шарти билан кластер корхонага. 2021 йилда сотилган асосий воситалар хисобига олинган фойда 27.305.743,5 минг сумни ташкил этади.

Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби аудити.

Бошқа корхоналарнинг қимматли қогозларига ва бошка корхоналарнинг устав капиталларига қилинган узоқ муддатли инвестицияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни 21 БХМСга асосан №0610-№0690 счетларида амалга оширилади.

2021 йил 1 январ холатига жамиятни узок муддатли инвестициялари жами 7.832.027,0 минг сумни ташкил этган. Йил давомида узок муддатли инвестициялар таркибида узгариш улмаган. Жамиятни узок муддатли инвестициялари куйидагилардан иборат:

(минг сум хисобида)

Мазмуни	Сумма
Кимматли когозлар (0610)	
АТБ Агробанк	46 383
Учкургон пахта тозлаш АЖ	14 730
Наманганпахтасаноат АЖ	5 812
Наманган шахар Жахон бозори	870
Жами	**67 795**
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	
Нампахтатранс МЧЖ	540
"BARAKA PAXTA TEKS" МЧЖ	5 700 403
Жами	**5 700 943**
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640)	
"Дейхан текстиль " МЧЖ КК	2 063 289
Жами	**2 063 289**
Жами узок муддатли инвестициялар	**7 832 027**

Тугалланмаган қурилиш ҳисоби аудити.

Жамиятнинг асосий воситалар ва номоддий активларга инвестициялари тўғрисидаги ахборотлар №0810-№0830 счетларида амалга оширилади.

Бухгалтерия хисоби маълумотларига кура №0810 "Тугалланмаган қурилиш" счётида 565.477,0 минг сум колдик булган. 2021 йил давомида тугалланмаган курилишда узгариш булмаган. 2021 йил охирига тугалланмаган курилиш киймати 565.477,0 минг сум булган. Ҳисобот даври учун тузилган бухгалтерия балансининг актив томони 100 сатрида йил бошига ва охирига курсатилган тугалланмаган курилиш киймати бухгалтерия хисоби маълумотларига мос келади.

Товар моддий қийматликлар ҳисоби аудити.

Корхонага тегишли бўлган хом-ашё, материаллар, ёнилги, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, конструкциялар, деталлар, идишбоб материаллар, инвентарлар, хўжалик жиҳозлари ва ш.к. қийматликларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар ишлаб чикариш захиралари турига караб «0110-№0190 счётларда счетларида амалга оширилади.

Бухгалтерия хисоби маълумотларига кура 2021 йил 1 январ холатига жамиятда мавжуд ишлаб чикариш захиралари 5.926.755,0 минг сумнии ташкил этган. Йил давомида кирим ва чиким хужжатларига асосан тегишли бухгалтерия утказмалари тузиб келинган. 2021 йил охирига ишлаб чикариш захиралари колдиги 4.389.314,0 минг сумни ташкил этган. Бухгалтерия балансини 150 сатрида ишлаб чикариш захиралари колдиги 4.389.314,0 минг сум тугри курсатилган.

Тайёр махсулотлари хисоби №2810 «Омбордаги тайёр махсулотлари» счетида хисобга олиб борилган. Бухгалтерия хисоби маълумотларига кура 2021 йил 1 январ холатига жамиятда мавжуд тайёр махсулотлар колдиги 5.739.748,0 минг сумни ташкил этган. Йил давомида тайёр махсулотлар тулалигича сотилган. 2021 йил охирига тайёр махсулотлар колдиги булмаган.

Мехнатга хак тулашга доир хисоб-китоблар аудити.

Корхона рўйхатида бўлган ва рўйхатда турмаган ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш (меҳнат ҳақининг ҳамма турлари, мукофотлар, ёрдам, ишлайдиган пенсия олувчиларга ҳисобланган пенсия ва бошқа тўловлар) бўйича жорий қарзлар тўгрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

6710«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар»;

6720 «Депонентланган иш ҳақи».

Жамиятда меҳнатга ҳақ тўлашга доир ходимлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби БҲМСда белгиланган №6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счётида, ижтимоий таъминот нафакалари № 6711 счётда юритилган. Меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб китоблар компьютер дастуридан фойдаланилган ҳолда юритилган.

Бухгалтерия ҳисоби маьлумотларига кўра 2020 йил 1-январ холатига ишчи ва хизматчиларни иш хаки 2021 йилда штатлар жадвали ва ойлик табелларга асосан ишчи ва хизматчиларга иш хаки хисоблаб келинган. Солик кодексида белгиланган ставкада даромад солиги ушлаб колинган ва бошка ушланмалар бирламчи хужжатлар асосида ушлаб колинган.Хисобланган иш хаки, иш хакидан ушланмалар буйича тегишли бухгалтерия утазмалари тузиб келинган. Бухгалтерия хисоби буйича 2021 йил охирига жамиятни иш хаки ва нафакалар хисобига ходимлардан карзлари 2.236,0 минг сумни ташкил этган. Бухгалтерия балансини 720 сатрида «Мехнатга хак тулашга доир карзлар» иш хакидан карздорлик тугри курсатилган.

Ҳисобдор шахслар билан ўзаро ҳисоб китоблар ҳисоби аудити.

Жамиятда хисобдор шахслар билан узаро хисоб-китоблар хизмат сафарлари ва ходимларни хужалик харажатлари учун уз хисобидан килган харажатлари хисобига утказиб келинган. 2021 йил 1 январ холатига жамиятни хисобдор шахслардан карзлари 143.391,8 минг сумни ташкил этган. Хисобдор шахсларни хисоботларига асосан хизмат сафари ва хужалик харажатлари ва уларга тулаб берилган туловлар буйича аналитик хисоб юритилган.Хизмат сафарига борган шахсларга хисобланган туловлар куриб чикилганда жамоа шартномасига асосан суткалик туловларга меёрга нисбатан кушимча туловхар хисоблаш белгиланган. Жамоа шартномасига асосан сафар харажати учун ходимларга жами 2.727,0 минг сум мёердан ортикча суткалик тулов хисоблангани аникланди. Меёрдан ортикча хисобланган суткалик туловлар ходимлар даромади хисобланиб уларни жами даромадларига кушилиши ва ундан даромад солиги ушланиши ва меёрдан ортикча хисобланган суткалик тулов ижтимоий солик хисоблаш базаси хисобланади.2021 йил охирига жамитни хисоб шахслардан булган карзлари 100.382,7 минг сумни ташкил этган.

Банк орқали накд пулсиз ҳисоб-китоблар аудити.

Жамиятнинг «Агробанк» Уйчи бўлимида ҳисоб рақами ва бошка махсус рақамлари очилган. Ҳисоб раками ва махсус рақамлардаги пул маблаглари бухгалтерия ҳисоби 2 сонли мемориал ордерда юритилган. Бухгалтерия хисоби маълумотларига кура 2021 йил

1 январ холатига хисоб ракамида 2.573,0минг сум ва махсус ракамларда 1.769,0 пул маблаглари колдиги булган. Йил давомида кирим ва чиким хужжатларига асосан тегишли бухгалтерия утказмалари тузилган. 2021 йил охирига хисоб ракамида 4.898,0 минг сум ва махсус ракамларда жами 46.679,0 минг сум пул маблаги колдиги булган. Бухгалтерия балансини 340 сатрида хисоб ракамидаги пул маблаглари ва 360 сатрида махсус ракамдаги пул маблаглари колдиги тугри курсатилган.

Дебитор ва кредиторлик карзлар хисоби аудити

Жамиятда корхона ва ташкилотлар, солик туловлари, мехнатга хак тулашга доир хисоб китоблар буйича карзлар хисоби №4010-№4890 гача дебиторлик карзлар ва №6010-№6990 гача булган счеларда кредиторлик карзлар хисоби юритилган.

Жорий дебиторлик карзлар

Минг сўм ҳисобида

Дебиторлик карзлар	Сатр коди	Йил бошига	Йил охирига
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000)	220	12 857	12 857
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи (4120)	240	12 236 050	32 693 498
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар (4300)	260	16 587	43 599
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300	88 025	135017
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310	2 573	4 898
Жами		**12 356 092**	**32 889 869**

Бухгалтерия хисоби маълумотларига асосан бухгалтерия баланси тузилган. Бухгалтерия балансига кура 2021 йил 1 январ холатига жамиятнинг жорий дебиторлик қарзлари 12.356.092,0 минг сўмни ва 2021 йил охирига 32.889.869,0 минг сўмдан иборат бўлган. Йил охирида дебиторлик карзлар йил бошига нисбатан 20.533.777,0 минг сумга купайган. Дебиторлик карзлар асосан тизим корхоналаридан булган карзлар, таъминот корхоналарига туланган бунак туловлари ва ходимларни бошка карзлари хисобига купайган. «Namangan toqimachi cluster» МЧЖ, «EFFEKT NAMANGAN TAMINOT SERVIS» МЧЖ ва МЧЖ шаклидаги «Uchkurgan textile» кушма корхонаси аслида тизим корхона хисоланмайди, лекин ушбу корхоналар билан хисоб-китоблар тизим корхоналарни хисобга олувчи №6110 счетда хисобга олинган.Аслида харидор ва буюртмачи корхоналарни хисобга лиш учун № 4010 « Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи»счёти белгиланган. Бундан ташкари кластерларга сотилган асосий воситаларни тулов муддати 5 йил килиб белгилангани сабабли график буйича 2021 йилда туланадиган тулов суммаси жорий карз сифатида ва 2-5 йилларда туланиши лозим булган тулов суммалари №0940«Бошка узок муддатли дебитор карзлар» счётида хисобга олнниши лозим эди.

Жорий кредиторлик карзлар

Минг сўм ҳисобида

Кредиторлик карзлар	Сатр коди	Йил бошига	Йил охирига
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)	610	49 880	13 882
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз (6120)	630	15 759 053	12 824 931
Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400)	680	547241	2 548 413

Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520)	700	19 008	53 470
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	710	54 218	2 236
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700)	720	109 161	54 218
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950 дан ташқари 6900)	760	378 398	269 036
Жами		**16 916 959**	**15 766 186**

Бухгалтерия баланси маълумотлари бўйича жамиятнинг жами жорий кредиторлик қарзлари 2021 йил 1 январ холатига 16.916.959,0 минг сўмни ва 2021 йил охирига 15.766.186,0 минг сўмни ташкил этган, ёки йил бошига нисбатан 1.150.773,0 минг сумга камайган. Кредиторлик карзлар асосан тизим корхоналаридан булган карзлар ва иш хаки хисобига ходимлардан булган карзлар хисобига камайган.

Даромадлар аудити.

Жамият даромадлари ҳисобини аудиторлик текширувидан ўтказишда ***Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, "Харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида" Низом*** *ва даромадларни тартибга солувчи бошқа меёрий ҳужжатлар асос қилиб олинди.*

Асосий фаолият даромадлари аудити.

21 сон БҲМСга асосан тайёр маҳсулот, товар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни сотишдан олинган даромадлар, шунингдек сотилган товарларнинг қайтиши, сотиш ва бахолардан чегирмалар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш

9010 "Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар";

9020 "Товарларни сотишдан даромадлар";

9030 "Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар";

9040 "Сотилган товарларнинг қайтиши";

9050 "Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар" счётларида амалга оширилади.

Жамиятда 2021 йил давомида тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар», товар сотиш билан боғлиқ ҳисоб китоблар 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счётларида ҳисобга олиб борилган.

(минг сум хисобида)

Счётлар	Тушумлар тури	Сумма
	Асосий фаолият даромадлари	
9010	Пахта махсулотларини сотишдан соф тушум	3 782 501
9020	Товарлар сотишдан соф тушум	427 668
9010	Уруглик чигит сотишдан тушум	20 806
	Жами асосий фаолият даромадлари	**4 230 974**
	Асосий фаолиятни бошка даромадлари	
9210	Асосий воситаларни сотиш суммаси	29 947 241
9350	Оператив ижарадан даромад	44 171
9350	Кластер ижара буйича даромад	984 703
	Жами бошка тушумлар	**30 976 114**
	Жами тушум	**35 207 089**

Асосий воситаларни сотиш хисобига олинган фойда 27.495.750,2 минг сумни ташкил этган. 2021 йил охирига 51.582,6 минг сумлик кредиторлик карзлар даъво муддати утгани сабабли жамият фойдасига олинган.

Ишлаб чикариш ва ёрдамчи ишлаб чикариш харажатлари мос равишда №2010 ва №2310 счетёларда хисобга олинган. Йил давомида жамланган харажатлар ва утган йилларда колдикда булган харажатлар сотилган махсулот кийматига тулалигича утказилган. Давр харажатлари буйича сотиш харажатлари №9410 счётда, маъмурий харажатлар №9420 счётда ва операция харажатлари №9430 счётда хисобга оинган.

(минг сум хисобида)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Хисоботда		Аудитда	
		Даромад-лар (фойда)	Харажат-лар (зарарлар)	Даромад-лар (фойда)	Харажат-лар (зарарлар)
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	010	37 677 485	x	35 207 088	x
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи	020	x	19 266 236	x	16 686 256
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр.010-020)	030	18 411 249	0	18 520 832	
Давр харажатлари, жами (сатр.050+060+070+080),шу жумладан:	040	x	2 391 936	x	2 392 263
Сотиш харажатлари	050	x	33 136	x	33 136
Маъмурий харажатлар	060	x	463 454	x	463 454
Бошқа операцион харажатлар	070	x	1 895 346	x	1 895 673
Ҳисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатлари	080	x		x	
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	090		x	51 583	x
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030-040+090)	100	16 019 313	0	16 180 152	0
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр.120+130+140+150+160), шу жумладан:	110	0	x		x
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	120		x		x
Фоизлар шаклидаги даромадлар	130		x		x
Молиявий ижарадан даромадлар	140		x		x
Валюта курси фарқидан даромадлар	150		x		x
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160		x		x
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр.180+190+200+210), шу жумладан:	170	x	0	x	
Фоизлар шаклидаги харажатлар	180				

Аудиторлик ташкилоти Директори _____

Аудитор _____

Молиявий ижара бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар	190	x		x	
Валюта курси фарқидан зарарлар	200	x		x	
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	210	x		x	
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр.100+110-170)	220	16 019 313	0	16 180 152	
Фавқулоддаги фойда ва зарарлар	230				
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр.220+/-230)	240	16 019 313	0	16 180 152	0
Фойда солиғи	250	x		x	2 567 576
Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	260	x	2 548 413	x	
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр.240-250-260)	270	13 470 900	0	13 612 576	0

Жамият топширилган хисоботда соф фойда 13.470.900,0 минг сум курсатилган. Аудит текширувида даромад ва харажатлар тахлил килиб чикилганда жамият 2021 йилни 13.612.576,0 минг сум соф фойда билан якунлаганлиги аникланди.

Хўжалик-молиявий фаолиятни юритишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя қилиниши ҳолати

Жамиятда 2021 йил давомида хўжалик молиявий фаолиятни юритишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя қилиш ҳолатлари текширилганда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритишда ҳисоб китоб ишлари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонун, «Харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тугрисида"ги Низом», бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида юритилганлиги маълум бўлди.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисобланиши аудити.

Жамият 2021 йил давомида умумий тартибдаги солиқ тўловчи сифатида Уйчи тумани Давлат солиқ инспекциясига фойда солиғи,мол-мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи, ер солиғи, сув солиғи, иш ҳақидан даромад солиғи ва ижтимой солик бўйича ҳисоботлар тақдим этиб келган. Чортоқ туманида жойлашган ер майдонлари учун ер солиғи, кучмас мулклар учун мол-мулк солиги буйича солик ҳисоботлари Чортоқ туман ДСИга топшириб келинган.

Кушилган киймат солиги

Кушилган киймат солиги хисоблаш Солик Кодексининг 31-боб 237-282-моддаларига асосан солик хисобланадиган базадан хамда белгиланган ставкадан келиб чиккан солик хисоблаб холда оймаой хисобот топшириб келган. Хисоботда бюджетга 5.226.672,5 минг сум кушилган киймат солиги хисобланган. Аудит текширувида хисоботга нисбатан фарк аникланмади.

Мол-мулк солиги

Юридик шахслардан мол-мулк солиги солик кодексининг 410-417 моддаларига асосан хисобланади. Солик кодексини 411 моддасига асосан кўчмас мулк юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ (бундан буён ушбу бобда солиқ деб юритилади) солиқ солиш объекти ҳисобланади. Уйчи туманидаги кучмас мулк учун Уйчи туман ДСИга топширган хисоботда кучмас мулкларни уртача йиллик колдик киймати 3.086.694,0 минг сум куратиб унга нисбан 2,0 фоиз ставкада 61.733,9 минг сум мулк солиги хисобланган. Аудит текширувида хисоботга нисбатан фарк аникланмади.

Ер солиги

Жамият томонидан Солик кодексининг 61-боб,424-432 моддаларига асосан Юридик шахслардан олинадиган ер солиги буйича ДСИга хисобот топширган. Аудит текширувида бухгалтерия томонидан такдим этилган Уйчи туман ер тузиш ва кучмас мулк кадастри давлат корхонаси ва Чорток туман ер тузиш ва кучмас мулк кадастри давлат корхонаси Уйчи ПТАЖ ер майдонлари учун тузилган кадастр хисоботларидан фойдаланилди.

Уйчи туманидаги 0,0994 гектар ер майдонига белгиланган ставкада 2.229.880 сум ер солиги хисоблаб хисобот топширилган. Аудит текширувида хисоботга нисбатан фарк аникланмади.

Чорток туманидаги 9,77 гектар ер майдонига жойлашувига караб белгиланган ставкада жами 219.174,3 минг сум ер солиги хисоблаб хисобот топширилган. Аудит текширувида хисоботга нисбатан фарк аникланмади.

Фойда солиги

Жамият томонидан солик кодексининг 12-боб, 294-363 моддаларига асосан юридик шахслар фойда солиги буйича хисобот топшириб келган.

(минг сум хисобида)

Т/р	Курсаткичлар	Хисоботда	Аудитда	Фарки	
				Кушимча	Камай-тиришга
1	Жами даромадлар	37 677 485,4	32 807 180,0		4 870 305,4
2	Чегириладиган харажатлар	20 688 085,8	15 690 009,0		4 998 076,8
3	Солик солинадиган фойда	16 989 399,6	17 117 171,0	127 771,4	
4	Имтиёзлар				
5	Солик базаси	16 989 399,6	17 117 171,0	127 771,4	
6	Солик ставкаси %	15,0%	15,0%		
7	Солик суммаси	2 548 409,9	2 567 575,7	19165,7	

Хисоботга 19.165,7,0 минг сум кам фойда солиги хисобланган. Фарк чикишининг сабаби аудит текшируви давомида солик туловларига киритилган узгартиришлар хамда даромад ва харажатлар таркибидаги узгаришлардан иборат.

Ижтимоий солик

Жамият томонидан солик кодексининг 402-409 моддаларига асосан хисобланган иш хакига нисбатан ижтимоий солик буйича солик хисоблаб оймаой ДСИга хисобот топшириб келган.

(минг сум хисобида)

Т/р	Курсаткичлар	Хисоботда	Аудитда	Фарки	
				Кушимча	Камай-тиришга
1	Хисобланган иш хаки	445 879,3	448 606,3	2727,0	
2	Ажратма хисобланмайдиган иш хаки	7 095,1	7 095,1	0,0	

3	Ажратма хисобланадиган иш хаки	438 784,2	441 511,2	2727,0	
4	Ажратма ставкаси %	12,0%	12,0%	0,0	
5	Ажратма суммаси	52 654,1	52 981,3	327,2	

Хисоботда 327,2 минг сум кам солик хисобланган. Хисоботда кам солик хисобланган сабаби хизмат сафарида булган ходимларга меёрдан ортикча хисобланган суткалик туловлар уларни даромадларига кушилмаган ва ижтимоий солик хисоблаш базасига киритилмаган.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи

Солик кодексининг 364-401 моддаларига асосан ишчи ва хизматчиларга хисобланган иш хаки ва бошка даромадларидан даромад солиги ушлаб колиб ДСИга хисобот топшириб келинган.

(минг сум хисобида)

Т/р	Курсаткичлар	Хисоботда	Аудитда	Фарки	
				Кушимча	Камай-тиришга
1	Хисобланган иш хаки	445 879,3	448 606,3	2727,0	
2	Меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлмаган даромадлар			0,0	
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисобланмайдиган тўлов турлари				
4	Солиқ солинадиган база	445 879,3	448 606,3	2727,0	
5	Солик ставкаси %	12,0%	12,0%		
6	Солик суммаси	53 505,5	53 832,8	327,2	

Хисоботда 327,2 минг сум кам солик хисобланган. Хисоботда кам солик хисобланган сабаби хизмат сафарида булган ходимларга меёрдан ортикча хисобланган суткалик туловлар уларни даромадларига кушилмаган ва даромад солиги ушланмаган.

Аудиторлик текшируви якуни буйича тавсиялар:

- Узбекистон Республикаси Бухгалтерия тугрисидаги Конуни ва Бухгалтерия миллий стандарти 21 БХМС талабларини бажарилишини таъминлаш;

-Дебитор карзларни уз вактида ундириш ва кредиторлар карзларни тулаб бериш чораларини куриш;

-Солик хисоботларига киритилган узгаришларни хисобга олиб ДСИга кушимча хисобот топшириш;

Юкоридагилар асосида ушбу хисобот тузилди.

МЧЖ «SAMIMIY-AUDIT»
Аудиторлик ташкилоти директори, аудитор З.З.Эгамбердиев

Аудитор: Н.М.Шарипов

Аудиторлик ташкилоти Директори _____ Аудитор_____